



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMYI JURNALI



Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш босқичлари

Кулибоев Азамат Шоназарович

Тошкент молия институти таянч докторанти

Ёзишмалар учун электрон почта: buxgalter_82@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 10.08.2022
Қабул қилинган вақти: 13.08.2022

Калит сўзлар: бошқарув ҳисоби, бухгалтерия ҳисоби, бюджетлаштириш, давлат тиббиёт муассасаси, таҳлил, ҳисоб сиёсати, ҳисобот.

Аннотация

Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини бухгалтерия ҳисоби билан параллел равишда ривожлантириш давр талаби ҳисобланади. Ҳозирги вақтда тиббиёт соҳасининг ривожланиши, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сонининг ошиб бориши ўз навбатида муассаса раҳбарларининг ахборотга бўлган эҳтиёжи ва талабларининг кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда давлат тиббиёт муассасалари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мақсадли сарфланиши, маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ҳамда уларнинг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг доимий мониторингини ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақолада давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг зарурати, босқичлари ва уларнинг тавсифи баён қилинган. Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобининг мақсади, вазифалари ҳамда бошқарув ҳисоби тизимининг элементларини амалга ошириш йўллари илмий жиҳатдан ёритиб берилган ҳамда бошқарув ҳисобини ташкил этиш стандартининг тузилиши кўрсатилган.

Stages of organization of management accounting in state medical institutions

Kuliboev Azamat Shonazarovich

Tashkent Institute of Finance, PhD candidate

Corresponding author: email: buxgalter_82@mail.ru

ARTICLE INFO

Received: 10.08.2022
Accepted: 13.08.2022

Key words: monetary policy, monetary base, deposit, money market, loan rate, required reserve rate.

Abstract

The development of management accounting in public medical institutions in parallel with accounting is a requirement of the time. Currently, the development of the medical sector, the increase in the number of medical services provided to the population, in turn, leads to an expansion of the needs and requirements of the heads of institutions for information. Today, it is also important to determine the targeted use of budgetary and extra-budgetary funds by public medical institutions, to determine the effectiveness of the use of funds and to organize regular monitoring of information on their financial results. This article describes the need, stages and their description of the organization of management accounting in public medical institutions. The objective, tasks and ways of realization of elements of system of management accounting in the public medical institutions are scientifically explained and structure of the standard of the organization of management accounting is specified.

Кириш

Мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар ва модернизациялаш жараёнини давом эттиришда тиббиёт муассасалари фаолиятининг барча жараёнларида иқтисодий ахборотларга нисбатан ҳаққонийлик, ўз вақтидалик, холислик ва аниқлик каби талаблар қўйилади. Ҳозирги пайтда олинган иқтисодий ахборотлар ички ва ташқи фойдаланувчилар талабини тўлиқ қондириши ҳамда энг кам миқдорда меҳнат ва вақт сарф қилган ҳолда шакллантирилиши лозим. Шунингдек, иқтисодий ахборотлар тиббиёт муассасаси фаолиятини бюджетлаштириш, истиқболни белгилаш, харажатлар ҳисоби ва кўрсатиладиган ҳар бир тиббий хизмат турлари таннархини тўғри ташкил этиш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда зарурий асос бўлиб хизмат қилиши керак.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда субъектлар бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги иш вақтларининг деярли 90 фоизини бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишга сарфлайдилар (Хасанов Б.А., Ибрагимов А.К., Н.К.Ризаев, 2013).

Давлат тиббиёт муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар мавжудлиги сабабли ягона молиявий ҳисоботни шакллантириш имконсиз, фақатгина умумлашган ҳисоботни олиш мумкин. Шунингдек, муассасанинг бюджет маблағлари бўйича харажатлар ижроси тўғрисидаги ҳисобот, бюджетдан ташқари шахсий ҳисоб варақлар бўйича тушумлар, маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда муассасанинг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича молиявий натижалари тўғрисидаги маълумотларини киритиш мумкин.

Ҳозирги вақтда фаолият юритаётган давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини бухгалтерия ҳисоби билан параллел равишда ривожлантириш зарурати мавжуд. Ривожланган жамиятда тиббиёт муассасалари раҳбарларининг ахборотга бўлган эҳтиёжи ва талабларини қуйидаги сабабларга кўра тўлиқ қондириб бўлмайди:

-молиявий ҳисобот моддалари ва шаклларининг иқтисодий мазмунини тушунишнинг мураккаблиги ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлиги;

-бухгалтерия ҳисобининг ретроспектив хусусияти;

-муқобил ҳаракатларни киритиш ва баҳолаш зарурати (моделлаштириш ва прогнозлаш);

-бошқарув даражасига қараб турли даражадаги умумлаштиришга эга бўлган маълумотларни яратиш зарурати;

-тиббиёт муассасаси фаолиятининг алақачон амалга оширилган фактларни назорат қилиш эмас, балки тезкор маълумотларнинг аҳамиятини ошириш кераклиги.

Ҳар қандай давлат тиббиёт муассасаси фаолияти самарали бўлиши учун ички бошқарув ҳисобини юритиш талаб этилади. Шу муносабат билан бюджет жараёнини ислох қилиш даврида давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини йўлга қўйиш муаммоси янада кескинлашади. Бу эса, ўз навбатида, давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини

ташкил этиш мавзусида илмий тадқиқот олиб боришни тақоза этади.

Тадқиқот методологияси

Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ва бюджет ҳисоби қоидалари ҳисобга олинган ҳолда тизимли таҳлил, анализ, синтез, таққослаш ва бошқа шу каби бир қанча тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Адабиётлар шархи

Тадқиқот мавзуси доирасида маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлари ўрганилди. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий муаммолари бўйича хорижлик олимлар Р.Гаррисон, Э.Норин ва П.Брюэр томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг мақсади, қоидалари, вазибалари, функциялари ҳамда ташкилот фаолияти учун самарадорлик даражалари кўрсатилган (Парыгина Н.М., 2010).

М.А.Вахрушина ва Н.В.Малиновская тадқиқот ишларида давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисоби тизимини жорий этиш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб, бунинг учун стандартлар ишлаб чиқишни тавсия қилган. Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш мумкинлигини тавсифловчи бундай стандартларнинг тасдиқланиши уларга ушбу мураккаб муаммони ҳал қилишда услубий ёрдам беради.

Н.М.Парыгина бюджет харажатларини ҳисобга олиш ва тиббий хизматлар нархини баҳолаш, тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш муаммоларини (Парыгина Н.М., 2010) тадқиқ қилган. Бунда ҳар бир тиббий хизмат нархи ва унинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Д.Вашичек ва Г.Ройелар Хорватия давлат соғлиқни сақлаш секторида харажатлар ва бошқарув ҳисоби усулларини ишлаб чиқишнинг паст даражасини, ташқи ва ички молиявий ҳисоботларнинг яқинлашувини (Davor VAŠIČEK, Gorana ROJE, 2010) илмий жиҳатдан асослаб берган. Ҳисоблаш ва давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини қабул қилишнинг етарлилигини ҳисобга олган ҳолда давлат соғлиқни сақлаш секторида мавжуд ўзгартирилган ҳисоб-китоб ва молиявий ҳисобот тизимининг мувофиқлигини текширади.

Мамлакатимиз олимларидан А.Х.Пардаев ва З.А.Пардаевалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида бошқарув ҳисобини замон талаблари даражасида ташкил этишга (Пардаев А.Х., Пардаева З.А., 2014) алоҳида эътибор қаратилган. Унда бошқарув ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари, харажатларни ҳисобга олишнинг замонавий усуллари, бюджетлаштириш, трансферт баҳоларни шакллантириш, сегментар ҳисоботларни тузишга бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари

талабларидан келиб чиқиб ёндашилган.

Б.А.Хасанов., А.К.Ибрагимов ва Н.К.Ризаевлар илмий асарлари амалий бошқарув ҳисобида ҳисоб сиёсати, бошқарув ҳисобининг таъминот, ишлаб чиқариш, ва тижорат-таъминот фаолиятлари, амалий бошқарув ҳисобига йўналтирилган янги технология ва инновациялар, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархининг калькуляцияси, ишлаб чиқариш зарарсизлигининг таҳлили, бюджетлаштириш каби амалий бошқарув ҳисобининг замонавий йўналишларига (Хасанов Б.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., 2013) бағишланган. Бошқарув ҳисобида ҳисоб сиёсатининг услубиёти, техникавий ва ташкилий жиҳатлари ёритиб берилган.

Б.Ю.Махсудовнинг илмий тадқиқот ишларида стратегик бошқарув ҳисобини жорий этиш (Махсудов Б.Ю., 2019) масалаларига алоҳида аҳамият берилган бўлиб, стратегик бошқарув ҳисобининг амал қилиш жараёни, тактик ва стратегик бошқарув ҳисобини таққослама тавсифи ҳамда стратегик бошқарув ҳисобининг концептуал асослари илмий жиҳатдан асосланган. Шунингдек, тактик ва стратегик бошқарув ҳисобини таққослама тавсифида таққослашнинг ҳар бир мезони бўйича таъриф берилган.

А.А.Остонокулов томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида давлат томонидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағларини шакллантириш ва ҳисобга олишнинг асослари, хусусиятлари (Остонокулов А.А., 2020) аниқ мисоллар билан ёритиб берилган. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган.

Аммо, мамлакатимизда давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этишга доир илмий-тадқиқот изланишлар олиб борилмаган. Бизнинг фикримизча давлат бюджетидан молиялаштириладиган тиббиёт муассасаларида фаолият йўналишини ҳисобга олган ҳолда бошқарув ҳисобини ташкил қилиш муассаса раҳбарияти томонидан ишончли маълумотлар асосида бошқарув қарорларини қабул қилинишда муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллар ва натижалар


Давлат доимий равишда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун кўшимча молиялаштириш манбаларини излайди. Давлат тиббиёт муассасалари томонидан фуқароларга даволаниш бўйича кўрсатилаётган пуллик хизматлар ушбу хизматлар кўламини кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини молиялаштириш учун кўшимча маблағ жалб этиш имконини бермоқда. Шунингдек, пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муайян тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишда турли даражадаги тиббиёт муассасалари раҳбарлари бухгалтерия ҳисоби тизимида тўпланган маълумотларнинг етишмаслигини ҳис қилишади.

Замонавий бошқарув ҳисоби тизимлари давлат тиббиёт муассасалари раҳбарларига уларнинг хўжалик жараёнлари ҳолати, бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқадиган хавфлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш учун мўлжалланган.

Назаримизда, давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобининг мақсади муассасанинг рақобатбардош устунликларини ва бозор муҳитининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда келажакдаги фаолиятнинг истиқболли йўналишларини аниқлашга қаратилган махсус маълумотларни тайёрлаш ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини шакллантириш улар фаолияти самарадорлигини оширишнинг зарур шarti ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, бошқарув ҳисобини ташкил қилишда давлат тиббиёт муассасасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак:

- тиббиёт муассасасининг мавжуд бошқарув тизими;
 - тиббиёт муассасаси филиаллари мавжудлиги;
 - автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш имконияти (UzASBO);
 - бухгалтерия хизматининг бошқа таркибий бўлинмалар билан ўзаро ҳамкорлиги ва бошқа омиллар.
- Бизнинг фикримизча, давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олиш керак (1-расм).



1-расм. Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш босқичлари¹

Биринчи босқичда бошқариш, режа-молия ва аналитик ҳисоб хизматларининг олий даражадаги вакиллари жамоасини яратиш амалга оширилади. Бу жамоанинг асосий вазифаси тиббиёт муассасадаги бухгалтерия хизмати сифатини оширишда стратегик ва оператив бошқарув қарорларини таъминлаш воситаси сифатида бошқарув ҳисоби тизимини яратишнинг услубий асосларини ишлаб чиқишдир. Тиббиёт муассасаларида бошқарув қарорлари интуитив тарзда эмас, балки маълумотларни таҳлил қилиш асосида қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тиббиёт муассасаларида маълумотларни таҳлил қилиш орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш бир қанча ечимини кутаётган вазифаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар кўрсатиш бўлимларини ташкил қилиш ёки уларнинг фаолиятини оптималлаштириш;
- тиббиёт муассасаларининг ташкилий тузилмаларини оптималлаштириш;
- тиббиёт муассасаларини ривожлантириш йўналишларини, яъни тиббий фаолиятнинг янги турларини, алоҳида кўрсатилаётган тиббий хизмат турларини излаш ва асослаш;
- тиббиёт муассасалари ходимларини рағбатлантиришнинг янги тизимини ишлаб чиқиш

ёки амалдаги тизимини такомиллаштириш;

- тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг минимал ва максимал ҳажминини аниқлаш.

Давлат тиббиёт муассасаларини бошқариш тизими олдида турган устувор вазифаларни белгилаш унинг тайёрланиши керак бўлган маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Иккинчи босқич давлат тиббиёт муассасасининг ташкилий тузилмасини таркибий бўлим ва бўлимлар кесимида ишлаб чиқишни, шунингдек, тиббиёт муассасаларида қуйидаги шартларга жавоб бериши керак бўлган масъулият марказларини ажратишни ўз ичига олиши зарур, деб ҳисоблаймиз:

- масъулият марказида масъул шахснинг (раҳбар) мавжудлиги;
- масъулият маркази раҳбари бошқарув қарорларини қабул қилишда маълум даражада эркинликка эга бўлиши;
- масъулият маркази раҳбари ва ходимларини назорат қилиш ҳамда моддий рағбатлантириш кўрсаткичлари рўйхатини белгилаш.

Учинчи босқичда давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисоби тизимининг элементлари ва воситаларини аниқлаш, бошқарув ҳисобининг мақсади, вазифалари ва усулларини аниқлаштириш зарур (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобининг мақсад ва вазифалари²

Тиббиёт муассасаси бошқарув ҳисоби тизимининг элементлари	Бошқарув ҳисоби мақсадлари	Бошқарув ҳисоби вазифалари
Харажатлар ҳисобини ташкил этиш ва хизматлар таннархни ҳисоблаш	Тиббиёт муассасаси раҳбарларини маълумотлар билан таъминлаш	Муассасанинг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишни ташкил этиш, муассаса томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар таннархини ҳисоблаш, муассаса фаолияти натижалари ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш
Бюджетлаштириш	Бозор иқтисодиёти шароитида тиббиёт муассасасини ривожлантириш мақсадларига эришиш йўллари асослаш. Тиббий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш.	Тиббиёт муассасаси фаолияти самарадорлигини ошириш
Фаолият таҳлили	Тиббиёт муассасасининг стратегиясига қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун маълумотлар базасини тайёрлаш	Тиббиёт муассасаси фаолиятининг заҳиралари ва фаолият рискларини аниқлаш
Бошқарув ҳисоботи мазмунини шакллантириш ва муассаса фаолиятининг бошқарув назоратини амалга ошириш	Режа кўрсаткичлари билан ҳақиқий кўрсаткичларни таққослаш. Тиббий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш	Тиббиёт муассасалари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ишончилигини ҳамда режалаштириш фаолияти самарадорлигини таъминлаш

Шунингдек, давлат тиббиёт муассасалари томонидан харажатларни ҳисобга олиш ва тиббий хизматлар қийматини ҳисоблаш усули,

бюджетлаштириш методологияси, самарадорлик натижаларини таҳлил қилиш методологияси ва назорат жараёнларининг мақсадга мувофиқлиги

¹ Муаллиф томонидан тузилган

² Муаллиф томонидан тузилган

ўрганилади ҳамда баҳоланади.

Юқоридагилардан шуни айтиш мумкинки, бошқарув ҳисоби тизимининг элементлари давлат тиббиёт муассасаси фаолиятининг хусусиятларига ва унинг ташкилий тузилишига боғлиқ. Давлат тиббиёт

муассасаси бошқарув ҳисоби тизимининг ҳар бир элементи тегишли мақсад ва вазифаларга эга бўлиб, уларни амалга ошириш йўлларини белгилайди (2-жадвал).

2-жадвал

Давлат тиббиёт муассасаси бошқарув ҳисоби тизимининг элементларини амалга ошириш йўллари³

Давлат тиббиёт муассасаси бошқарув ҳисоби тизимининг элементлари	Амалга ошириш йўллари
Харажатларни ҳисобга олиш ва кўрсатилган тиббий хизматлар таннархини ҳисоблаш	Кўрсатилган тиббий хизмат турлари бўйича харажатларни баҳолаш, умумий фаолият харажатларини тақсимлаш. Ички ҳисоботларни тузиш, тиббиёт муассасасининг барча даражадаги раҳбарларини турли форматдаги маълумотлар билан таъминлаш.
Фаолиятни бюджетлаштириш	Турли даражадаги бюджетларни тузиш, тиббиёт муассасасини стратегик ривожлантириш вариантини танлаш, молиявий жавобгар бўлим ходимларини рағбатлантириш.
Фаолият таҳлили	Аналитик коэффициентларни ҳисоблаш орқали муассасанинг эришган натижаларини баҳолаш, заҳираларини аниқлаш, энг яхши вариантларни ишлаб чиқиш, таҳлил натижаларини умумлаштириш
Ички ҳисобот ва фаолият натижалари мониторинги	Тиббиёт муассасаси фаолиятини мувофиқлаштириб, ўзгаришларни ва уларнинг сабабларини аниқлаш

Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил этишнинг **тўртинчи босқичи**да маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тақдим этишнинг қоидалари ишлаб чиқилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, бу қоидалар қуйидагилар:

тиббиёт муассасасининг фаолиятини таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар асосланади;

бошқарув ҳисоби мақсадлари учун тиббиёт муассасаси ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилади. Шунингдек, ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисоби, бюджетлаштириш, таҳлил ва назорат қилиш усуллари ҳам кенг ёритилади;

зарурат туғилса, тиббиёт муассасаси фаолиятининг алоҳида жараёнлари батафсил тавсифланади, ҳисоб регистрлари ишлаб чиқилади

ҳамда барча ҳисобот шакллари танланади.

Давлат секторида ҳисоб юритишнинг алоҳида хусусиятини инобатга олган ҳолда, давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил этишни услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларини бошқаришга ёрдам берадиган услубий тавсияларни ўз ичига олган бошқарув ҳисоби стандартини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу стандартлардан фойдаланган ҳолда давлат тиббиёт муассасаларини тактик ва стратегик бошқариш учун махсус маълумотлар тайёрланади.

Назаримизда, давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш стандартининг лойиҳавий тузилмаси қуйидаги шакл ва мазмунда бўлиши мақсадга мувофиқ (3-жадвал).

3-жадвал

Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш стандартининг лойиҳавий тузилмаси⁴

Бўлим номи	Бўлим таркиби
Муқаддима	Стандартни ишлаб чиқувчиларга кириш қоидалари, ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш санаси
Стандартнинг амал қилиш доираси	Стандартнинг мақсад ва вазифаларини тавсифлаш, унинг мазмуни ва тузилишини белгилаш. Соҳанинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув ҳисобини ташкил этиш стандартидан фойдаланувчиларнинг таркиби
Атамалар ва таърифлар	Стандартда қўлланиладиган асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари
Бошқарув ҳисоби тизимини ташкил этиш асослари	Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил этиш тамойиллари, функциялари, элементлари таркиби ҳамда ҳар бир элемент доирасида ҳал қилиниши керак бўлган вазифалари
Бошқарув ҳисоби тизимини ташкил этиш босқичлари	Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил этиш босқичларининг тавсифи, ҳар бир босқичда ҳал қилиниши керак бўлган тартиблар ва вазифалар рўйхати. Давлат тиббиёт муассасаларининг фаолият хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув ҳисоби вазифаларини амалга ошириш йўлларининг тавсифи: масъулият марказларини ажратиш; муассаса асосий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш; кўрсатилган тиббий хизматлар нархини ҳисоблаш; бюджетлаштириш; назорат қилиш. Бошқарув ҳисоби тизимини автоматлаштириш имкониятлари тавсифи.

³ Муаллиф томонидан тузилган

⁴ Муаллиф томонидан тузилган

Бошқарув ҳисоби тизимини ривожлантириш йўналишлари	Давлат тиббиёт муассасалари бошқарув ходимлари томонидан ҳал қилинадиган вазифалар мураккаблашиб бораётганлиги сабабли бошқарув ҳисоби тизимининг самарадорлиги ва ривожланиш йўналишларини таҳлил қилиш.
--	---

Тармоқ стандартлари асосида ҳар бир давлат тиббиёт муассасаси бошқарув ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши мумкин, бу эса унинг ички регламенти вазифасини бажаради.

Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил этишда, бошқарув ҳисоби тизимининг ҳар бир элементи бўйича мақсад ва бажариладиган вазифаларни тўғри, аниқ қўйиш керак. Шундагина, тиббиёт муассасасида бошқарув ҳисобини ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилади ва фаолият самарадорлиги таъминланади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган давлат тиббиёт муассасаларини бошқаришда бухгалтерия ахборотларидан етарлича фойдаланиш, харажатларни ҳисобга олиш ва тиббий хизматлар таннархини белгиланган меъёрлар бўйича тўғри ҳисоблаш, муассасалар фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб бориш ҳолатини қониқарли деб бўлмайди. Давлат тиббиёт муассасаларининг ички ҳисобот тизими, муассаса бўлим ва бўлимларининг фаолият натижаларини ҳисобот йилининг ҳар ойида ёки чорагида мониторинг қилиб бориш ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат тиббиёт муассасаларининг самарали фаолият юритиши ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлардан мақсадли фойдаланиши учун бошқарув ҳисоби тизимини муассасада тўғри ташкил қилиш керак.

Бунинг учун биринчи навбатда давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш босқичларига қатъий амал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда тиббиёт муассасасини бошқариш тизимининг мақсади, бажарилиши керак бўлган вазифалари ҳам аниқлаштирилади.

Иккинчи навбатда давлат тиббиёт муассасаларининг фаолият йўналишига қараб бошқариш мақсадлари учун ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилиши зарур. Ушбу ҳисоб сиёсатида муассаса фаолият йўналишини ўзида тўлиқ акс эттирадиган бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва назорат қилиш усуллари батафсил ёритилиши керак. Бундан ташқари ҳисоб сиёсатига оператив маълумотларни ўзида акс эттирувчи ҳисоб регистрлари ва бошланғич ҳисоб ҳужжатларини илова қилиш тавсия қилинади.

Учинчидан давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг услубий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бошқарув ҳисоби ташкил этиш стандартини ишлаб чиқиш тавсия қилинади. Бошқарув ҳисобини ташкил стандартида давлат тиббиёт муассасасида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил этиш босқичлари, муассаса фаолиятини хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб вазифаларини амалга ошириш ва ҳисоб тизимини автоматлаштириш тавсифлари келтирилган бўлади.

Тўртинчидан давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритишни тартибга солувчи муассаса ички низомини ишлаб чиқиш таклиф қилинади. Низомда тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини юритиш тартиби ва ҳисоб ҳужжатларини ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Давлат тиббиёт муассасаларида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг мумкин бўлган ёндашувларини тавсифловчи стандарт ва ички низомнинг тасдиқланиши уларга ушбу мураккаб муаммони ҳал қилишда услубий ёрдам беради. Бунинг натижасида давлат тиббиёт муассасаларида амалга ошириладиган фаолиятни кузатиш, таҳлил қилиш, самарали бошқариш яхшиланади ҳамда муассасанинг самарадорлик кўрсаткичи ортади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Davor VAŠIČEK, Gorana ROJE. Accounting System in Croatian Public Healthcare Organizations: an Empirical Analysis. Theoretical and Applied Economics Volume XVII (2010), No. 6(547), pp. 37-58.
2. Парыгина Н.М. Проблемы бюджетного учета медицинских услуг в клинических диагностических центрах //Актуальные проблемы социально-экономического развития России. 2010. № 4. С. 15–20.
3. Р.Гаррисон, Э.Норин, П. Брюэр. Управленческий учет. 12-е изд. / пер. с англ. /под ред. М.А. Карлика. СПб.: Питер, 2012. 592 с.
4. Хасанов Б.А., Ибрагимов А.К., Н.К.Ризаев. Амалий бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма. -Т.: «MOLIYA». 2013.-303 б.
5. Вахрушина М.А., Малиновская Н.В. Управленческий учет деятельности медицинских государственных (муниципальных) учреждений: организационные подходы //Международный бухгалтерский учет. 2014. № 16. С. 2–16.
6. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshqaruv hisobi. Darslik – Т.: G'G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2014. – 318 b.
7. Махсудов Бегматжон Юлдашалиевич. Бошқарув ҳисобида стратегик ёндашув масалалари.// “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2019 yil. 34-42-бетлар. <http://iqtisodiyot.tseu.uz>
8. Azamat Abdulkarimovich Ostonokulov. Budget Organizations Formation and Improving Accounting for Out-of Budget Budgets. International Journal of Advanced Science and Technology Vol.29, No. 8s, (2020), pp. 11-16. ISSN: 2005-4238 IJAST Copyright 2020 SERSC.